Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 5 февраль пайшанба

Сотувда эркин нархда. № 26 (1807)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан йўллаётган самимий табригимни қабул этгайсиз. Сизга чин қалбдан мустаҳкам саломатлик, улкан бахт ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Сизнинг раҳбарлигингизда изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар бундан кейин ҳам Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқаро майдонда унинг обрўсини янада кўтаришга ва ўзбек халқининг фаровонлигини оширишга хизмат қилишига ишончим комил.

Молдова диёридаги сўнгги учрашувимизни алоҳида самимият билан эслайман. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Молдова ва Ўзбекистон халқларининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга, оила аъзоларингиз ва барча яқинларингизга чин қалбдан узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Петру ЛУЧИНСКИ,
Молдова Республикаси Президенти.

ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, қадрли Ислом ака, бизга, АҚШ, Исроил, Австрия ва бошқа Ғарб мамлакатларида яшаётган Бухоро яҳудийлари кўп минг кишилик жамоасининг вакилларига, шонли сана — таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан Сизга ватандошларингиз номидан табрик йўллаш алоҳида мамнуният бахш этади.

Бизнинг кўпчилигимиз Ўзбекистонда туғилиб ўсганмиз. Шу сабабли, Ўзбекистон биз учун қадрли. Меҳнатсевар, олижаноб ва танти ўзбек халқига чуқур ҳурмат туйғуси қалбларимиздан жой олган ва бундан кейин ҳам сақланиб қолаверади. Ўзбекистон биз учун, болаларимиз ва невараларимиз учун ҳамиша иккинчи ватан бўлиб қолади. Биз бу мамлакат билан ҳеч қачон алоқамизни узмаймиз. Шунинг учун ҳам биз Сизнинг мустақил Ўзбекистон раҳбари лавозимида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий фаровонлигини оширишга ва миллий тинч-тотувликка қаратилган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Ислом ака, Сиз буюк инсонсиз. Сиз ўтказаётган сиёсат фақат минтақада эмас, балки бутун дунёда эътироф этилди ва обрў қозонди. Ўзбекистон Республикасининг Сизнинг раҳбарлигингизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён эришган ютуқлари маълум ва машҳурдир. Бундан биз, Ўзбекистон фарзандлари ҳам алоҳида фахрланамиз.

Яқин Шарқда яҳудийлар ва арабларнинг манфаатларига бирдек мос келадиган адолатли тинчлик ва аҳилликкга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаш истаги қалбимизга жо бўлган.

Биз Ўзбекистоннинг тараққиёти ва равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшишни, ҳозир ўзимиз яшаётган мамлакатларда серқуёш ўлкамизнинг вакили бўлишни хоҳлаймиз.

Аллоҳ умрингизни узоқ қилсин, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ато этаверсин.

Халқингиз фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизга Яратган эгамизнинг ўзи барака бераверсин.

Камоли эҳтиром билан,

Ханан БЕНЖАМИНИ, Нью-Йорк.
Борис КАНДОВ, Вена.
Бухоро яҳудийлари жамияти маркази, Нью-Йорк.

КОСМОНАВТ СОЛИЖОН ШАРИПОВГА

Қадрли Солижон!

Америкалик астронавт касбдошларингиз билан "Шаттл-Эндевер" космик кемасида парвоз қилиб, соғ-саломат қайтганингиз ҳақида менга йўллаган мактубингизни ўқиб, беҳад мамнун бўлдим.

Сизнинг само бағрига қилган парвозингиз миллатимиз ғурурига-ғурур, фахрига-фахр қўшди. Ўзбек номини бутун жаҳонга яна бир бор тараннум этиб, улуғлади. Космик парвозга ўзингиз билан Ўзбекистон байроғини олиб чиққанлигингиз эса чинакам маънода миллатга муҳаббат намунасидир. Жасоратингиз исми-шарифингизни дунёга довруқ таратган аждодларимизнинг номлари билан бир қаторга қўяди, десам муболаға бўлмайди.

Бугун мен сиз каби мард йигитни улғайтирган ота-онангизга чин кўнгилдан "Раҳмат!" дейман. Оддий бир ўзбек хонадонида сиздай фазогир ўғлон вояга етганлигининг ўзи оила нақадар муқаддас эканлигидан далолат. Сизга таълим-тарбия берган, фазогирлик касб маҳоратига, шу жумладан, Россия космонавтика мактабига йўл очиб берган мураббийларингиз ва космонавт касбдошларингизга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Шунингдек, сиз билан бирга коинотга парвоз қилган америкалик жасур астронавтларга бутун ўзбек халқи, шахсан ўз номимдан ташаккур билдираман.

Азиз Солижон!

Ишончим комилки, коинотга илк сафарингиз келгуси ҳаётингиздаги ютуқларга пиллапоя, Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактаб ўқувчилари, бутун юртимиз ёшлари учун юксак ибрат бўлиб хизмат қилади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бундан олти аср муқаддам улуғ аждодимиз Амир Темур шажарасида юлдуздек порлаган Мирзо Улуғбек само бағрига ёруғ нигоҳ ташлаган эди. Сизга эса юлдузлар билан ёнма-ён учиш насиб этди. Бинобарин, йигирма биринчи аср остонасида сиз кўрсатган қаҳрамонлик давлатимизнинг юксак мукофоти - "Амир Темур" орденига муносибдир. Улуғ бобомизнинг табаррук руҳи сизни доимо қўлласин!

Сизни тарихий парвозингиз билан яна бир бор муборакбод этаман! Мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, фазогирлик фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фабрикаси акционерлик жамиятига айлантирилгач, бу ерда меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди: ҳиссадорлар маҳсулот миқдорига эмас, балки унинг сифатига кўпроқ эътибор бера бошладилар. «Юлдуз» маҳсулотлари харидоргирлигининг боиси шунда.

СУРАТДА: илғор тикувчи Саодат Даминова.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

Сирдарё вилоят ҳокимлигида ана шу мавзуда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш — оила мустаҳкамлигининг ишончли омили» мавзуида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда она ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий ва маданий савиясини юксалтириш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг ташаббуси билан 1998 йил — Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далилидир.

Айни вақтда жойларда мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари бу борада олиб бораётган ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Оила йили бўйича белгиланаётган дастурларда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Анжуманда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов сўзга чиқди.

Ф.Норматов,
ЎзА мухбири.

МУНОСАБАТ

Маълумки, ўтган йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда мамлакатимиз йўлбошчиси Ислом Каримов маъруза қилиб, келаётган 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилган эдилар. Ўша йиғилишда Президентимиз оиланинг ҳар бир инсон ҳаёти ва умуман, жамият ҳамда давлат тараққиётида тутган ғоят муҳим ўрнини атрофлича шарҳлаб, ажойиб фикрларни айтдилар ва жамият олдига шундай масалани қўйдилар:

«... оилага эътиборни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш – бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор».

ОИЛА РАВНАҚИНИ КЎЗЛАБ...

Халқимиз ўз Президентининг олийжаноб таклифини чуқур мамнуният билан қарши олди.

Шундан сўнг кўп ўтмай, 9 декабрда Президентимизнинг оила масаласига бағишланган махсус Фармойиши эълон қилинди. Унда аввалги таклиф аниқ амалий шаклларга кираётганлигини ҳис қилдик. Фармойишда Оила йили билан боғлиқ равишда давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Республика комиссиясини тузиш ва унинг таркибида ишчи гуруҳларни ташкил этиш вазифаси қўйилди. Фармойишда тузилажак Дастурнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ниҳоят, Президентимизнинг юқорида эсланган Фармойишида қўйилган вазифалар амалга оширилиб, оила манфаатларини таъминлаш юзасидан 1998 йил учун тадбирлар Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссияси тузилди ва 12 декабрь куни комиссия ҳамда унинг ишчи гуруҳларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб чиқилди ҳамда унга олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб этилди.

Тадбирлар дастурида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар қўзда тутилди.

1998 йилнинг январь ойида оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар Давлат дастури тайёр бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги қарорига асосан тасдиқланди. Давлат дастури комплекс тусда бўлиб, у 150 дан кўпроқ тадбирларни ўз ичига олади. Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун эса, барча манбалар бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган, бу маблағнинг деярли ярми давлат томонидан бюджетдан ажратилади.

Оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури оммавий нусхада нашр этилиб тарқатилади.

Оила йили тўғрисида гап кетар экан, яна бир муҳим ҳужжат тўғрисида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Биз Олий Мажлиснинг X сессияси томонидан қабул қилинган Оила кодексини назарда тутаяпмиз.

Янги кодексда оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилик принциплари мустаҳкамланди. Кодексда оиладаги мулк, бола тарбияси ва бошқа жиҳатлар янги замон талаблари асосида талқин этилган.

Ниҳоят, куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори оила манфаатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган янги салмоқли қадамдир.

Мазкур қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилади. Марказ оила муаммоларини ўрганиш бўйича лабораторияларга эга бўлади.

Бундай марказнинг вужудга келиши кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Биринчидан, оила – жамиятнинг негизи, унинг пойдевори экан, демак, оила муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш билан узлуксиз, ҳамиша шуғулланадиган, бу борада ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чиқиб вақти-вақти билан давлат, жамият олдига қўядиган муассасага эҳтиёж катта. Иккинчидан, ҳаёт, жамият ҳамиша ривожланишда, тараққиётда экан, демак, оила муаммолари ҳам ўзгариб, янгиланиб бораверади ва улар тўғрисида бутун жамият ва давлат бошқаруви ўз вақтида аниқ тасаввурга эга бўлиб бориши керак.

«Оила» маркази илмий-амалий йўналишдадир. Бу марказ, аввало, оиланинг ривожи, равнақи билан боғлиқ муаммолар мажмуасини атрофлича илмий ўрганиш ва услубий тавсиялар тайёрлашни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Бундай муаммолар эса оз эмас. Шу билан бирга, «Оила» маркази фақат илмий фаолият билан шуғулланиб қолмай, қарорда кўрсатилганидек, у кенг амалий фаолият билан ҳам шуғулланади. Яъни, оилани ривожлантириш, уни такомиллаштириш, оила манфаатларини равнақ топтиришга «Оила» маркази муттасил ўз амалий ҳиссасини қўшиб бориши лозим. Масалан, бу марказ оилани режалаштириш, оила аъзолари саломатлигининг тиббий-биологик асосларини илмий ўрганиш билан бир қаторда бу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан амалий тадбирлар мажмуасини ҳам амалга ошириб боради. Ёки ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказларида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этади. Шунингдек, оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш – ҳозирги кунда энг муҳим вазифалар қаторидан ўрин олаяпти. Бунда ҳам «Оила» маркази ходимлари учун кенг фаолият майдони очилади. Марказ, энг муҳими, 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган тадбирлар Давлат дастурининг бажарилиш мониторингини олиб боради.

Хуллас, «Оила» илмий-амалий марказининг олдида турган вазифалар салмоқли, фаолияти эса давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти манфаатларига йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бутун моҳият эътибори билан жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини яна бир карра тасдиқлайди ва унинг равнақига хизмат қилади.

Мухлис САФАР.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҲИСОБ-КИТОБ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРГА ТЎЛОВЛАР ТУШИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, пенсияларни, нафақаларни, стипендияларни, бюджет маблағидан пул билан таъминланадиган корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг "Корхоналар ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқариш навбатини тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 16 январдаги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1998 йил 20 январдаги 568-1-сонли қарорига мувофиқ:

1. 1998 йил 1 февралдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқаришнинг қўйидаги тартиби белгилансин.

Ҳисоб рақамида унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли миқдорда пул маблағи бўлса, бу маблағ мижознинг фармойиши ва бошқа ҳужжатларнинг тушиши тартибига қайси бири олдин тушганига қараб ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисоб рақамидаги пул маблағи унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан пул маблағи биринчи навбатда бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳамда иш ҳақини тўлашга пул маблағи беришни кўзда тутган тўлов (ижро) ҳужжатларига мутаносиб равишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича мажбуриятларини баравар таъминлайдиган даражада ҳисобдан чиқарилади.

Марказий банк ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафталик муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамидан пул маблағини чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг молия, солиқ, божхона ва банк муассасалари ишига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқаришда белгиланган тартибни бузишга олиб келадиган аралашуви тақиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг1-бандида келтирилган маблағни ҳисобдан чиқариш тартибини бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ қаттиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади.

3. Тўловларнинг давлат бюджети даромадларига ўз вақтида ўтказилиши ва бюджетнинг даромад қисми бўйича операцияларнинг бажарилиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан маблағни чиқаришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик тижорат банклари муассасалари ва Марказий банк бош бошқармалари ҳисоб-китоб - касса марказлари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юклансин.

4. Даромад маблағларидан солиқлар ва бошқа тўловларнинг тушиши ва қарзларнинг камайиши бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тизими жорий этилсин.

Бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясига зарур бўлган тақдирда унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Солиқ ва тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15- кунидан кечиктирмай бюджетга тааллуқли барча тўловлар ва солиқлар тўла тушишига доир ишларнинг аҳволини, ҳудудлар бўйича қарзларнинг камайтирилишини кўриб чиқиб, солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга тўловлар бўйича 1998 йил 1 январгача қолган қарзлар тузилмасини ўзгартиришга доир таклифларни бир ой муддатда солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясига тақдим этсин.

7. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

идораларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларини ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин;

амалдаги қонунларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритишга доир таклифларни тайёрласин ва тақдим этсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

2. Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда мазкур Қонуннинг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 февраль.

(Ушбу Қонун лойиҳаси газетанинг 2- ва 3-бетларида эълон қилинмоқда)

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Қ О Н У Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва уларнинг бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

2-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг принциплари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш;

кооперативга (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан тўсқинликсиз чиқиш;

кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этишининг шарт эканлиги;

ички хўжалик ишлаб чиқариши ва меҳнатни асосан оила (жамоа) пудрати асосида ташкил этиш;

кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига бажарилган ишлар ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўлаш;

якуний даромадни кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкий пайларига мувофиқ тақсимлаш;

бошқарувнинг демократик хусусияти, қарорлар қабул қилишда "кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси — бир овоз" қоидаси бўйича тенг ҳуқуқларга эга бўлиш;

кооперативнинг (ширкатнинг) иши устидан аъзоларнинг кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда назорат қилиши.

4-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) фаолият турлари

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятининг асосий туридир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда қонунларда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари: қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишга ҳақли.

5-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) ташкил этиш ва унинг устави

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) унинг муассислари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг сони кооператив фаолияти соҳасига, унинг уставига кўра белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Кооператив (ширкат) мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларга, номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Устав кооператив (ширкат) фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Уставда қуйидагилар таърифлаб ўтилади:

кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган ери;

фаолият соҳаси ва мақсади;

кооперативга (ширкатга) кириш ва ундан чиқиш тартиби;

кооператив (ширкат) муассисларининг таркиби ва аъзоларининг сони;

кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

кооперативнинг (ширкатнинг) пай жамғармаси, бўлинмас жамғармаси ва бошқа жамғармаларининг миқдори ва уларни шакллантириш тартиби;

асосан оила (жамоа) пудратига асосланган кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари;

кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан, мулкий пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш;

кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари.

Уставга кооператив (ширкат) фаолияти билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) устави муассислар томонидан таъсис йиғилишида қабул қилинади, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий йиғилишида киритилади. Уставга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборот бир ҳафталик муддат ичида кооперативни (ширкатни) давлат рўйхатидан ўтказган органга тақдим этилади.

2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИГА (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИГА) АЪЗОЛИК

6-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш

Ёши 16 га тўлган, кооператив (ширкат) уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, кооператив (ширкат) фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) коллектив аъзоси бўлишлари мумкин. Кооперативлар (ширкатлар) ва уларнинг коллектив аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзо бўлиб кириш берилган ариза асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувининг (раисининг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооперативнинг (ширкатнинг) умумий йиғилишида ариза берган шахснинг иштирокида маъқулланиши лозим. Бундай қарорни қабул қилиш ва уни маъқуллаш тартиби кооператив (ширкат) уставида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланиб қолади:

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаганда;

давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;

бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), хўжаликлараро ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан белгиланган муддатга ишга йўлланганда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатган аъзолари ўзларининг кооперативга (ширкатга) аъзоликларини унинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган асос ва шартларда сақлаб қоладилар.

7-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кооператив (ширкат) ишларини бошқаришда иштирок этиш;

кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

кооператив (ширкат) хизматларидан фойдаланиш;

ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкий пайга мувофиқ дивидендлар олиш.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари уставга риоя этишлари, кооператив (ширкат) умумий йиғилиши ва бошқарувининг қарорларини бажаришлари шарт.

Кооператив (ширкат) уставида кооператив (ширкат) аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

8-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзоликни тугатиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади:

қишлоқ хўжалиги кооперативидан (ширкат хўжалигидан) ихтиёрий равишда чиқилганда;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фаолиятида меҳнати билан иштирок этиш тугатилганда;

қишлоқ хўжалиги кооперативидан (ширкат хўжалигидан) унинг уставида белгиланган ҳолларда ва тартибда чиқариб юборилганда;

бошқарувнинг (раиснинг) кооперативга (ширкатга) қабул қилиш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда тасдиқланмаганда;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) аъзоликни тугатиш тартиби унинг уставида белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чиқариб юбориш устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИ) БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

9-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) бошқариш органларининг тузилиши

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) бошқариш ўзини ўзи бошқариш, ошкоралик, кооператив (ширкат) фаолияти масалаларини ҳал этишда унинг аъзолари иштирок этиши асосида амалга оширилади.

Умумий йиғилиш қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи бўлиб, у раисни, бошқарувни, тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди, кооперативни (ширкатни) жорий бошқариш бўйича ўз ваколатларини уларга бериб қўяди.

10-модда. Умумий йиғилиш

Умумий йиғилиш:

қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставини қабул қилади, белгиланган тартибда унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади;

қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) раисини, кооперативнинг (ширкатнинг) бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигига қабул қилиш, ундан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, кооперативдан (ширкатдан) чиқиб кетиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ички меҳнат тартиби қоидаларини қабул қилади ва ўзгартиради, кооператив (ширкат) мол-мулкига етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий ва моддий жавобгарлик тўғрисидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва кооперативнинг (ширкатнинг) бошқа ички ҳужжатлари тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларининг мулкий пайлари миқдорини белгилайди;

кооператив (ширкат) фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, бўлинмас жамғарма, пай жамғармаси ва кооперативнинг (ширкатнинг) бошқа жамғармалари турларини, уларнинг миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари ажратиш масалалари бўйича туман ҳокими тасдиқлаши лозим бўлган қарорлар қабул қилади;

кооператив (ширкат) фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг хўжалик уюшмаларига кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади. Мазкур масалаларга оид қарорлар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киради. Кооперативнинг (ширкатнинг) уставига ёки умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ кооператив (ширкат) фаолиятининг бошқа масалалари ҳам мутлақ ваколат жумласига киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ҳар бир аъзоси, шу жумладан, коллектив аъзоси, ўзининг мулкий улуши миқдоридан қатъи назар, битта овозга эга бўлади.

Кооперативда (ширкатда) меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

Умумий йиғилиш ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади. У кооператив (ширкат) бошқарувининг (раисининг) қарорига биноан ёки кооператив (ширкат) аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

Йирик қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида) умумий йиғилиш тасарруфига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун, уставда назарда тутилган ҳолларда, вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин.

11-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви ва раиси

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви:

кооперативни (ширкатни) ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқади ва уни умумий йиғилиш тасдиғига киритади;

кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий йиғилишини чақиради ва йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилади;

кооператив (ширкат) жорий хўжалик фаолияти масалаларини унинг уставига мувофиқ ҳал этади;

кооперативга (ширкатга) янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш тасдиғига киритади;

кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки сақланишини таъминлайди;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этади;

фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари ажратиш тўғрисида умумий йиғилиш кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

кооператив (ширкат) аъзолари билан оила (жамоа) пудрати шартномаларини, шунингдек, фермер хўжаликлари бошлиқлари билан ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини тузади;

кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этади.

Бошқарув аъзоларининг сони қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Кооператив (ширкат) бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан кооперативнинг (ширкатнинг) уставига мувофиқ кооператив (ширкат) раисининг ўринбосарини ва бошқарув котибини сайлашлари мумкин.

Кооператив (ширкат) раиси бошқарувга раҳбарлик қилади. Кооператив (ширкат) раисининг вазифалари ва уни чақириб олиш тартиби кооператив (ширкат) уставида белгиланади.

12-модда. Тафтиш комиссияси (тафтишчи)

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) кооперативнинг (ширкатнинг) (бошқарувнинг) молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириши ҳамда умумий йиғилишга ҳисоб беради. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони кооперативнинг (ширкатнинг) уставида белгиланади.

Кооперативнинг (ширкатнинг) (бошқарувнинг) молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун кооператив (ширкат) аъзоларининг умумий йиғилиши белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

4-БОБ. ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ БЕРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИНГ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ) ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШИ

13-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) ер участкаларини бериш. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга бериб қўйилади.

Ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланиш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга бериб қўйилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) бериб қўйилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя қилиш, айирбошлаш объектлари бўлиши мумкин эмас. Бу ер участкалари белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаларини деҳқон хўжалиги юритиш учун кооператив (ширкат) ходимларига ажратиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўлчамлар ва тартибда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа тузилмалар таркибига кирганида ҳам сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) берилган ер участкаларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва кафолатларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

14-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) сувдан фойдаланиши

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) етказиб берилаётган сув сарфини ҳисобга олиш тартиби, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

5-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИНГ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ) МОЛ-МУЛКИ

15-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мулки

Асосий жамғармалар, айланма маблағлар, шунингдек, кооперативнинг (ширкатнинг) мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мулкидир.

Кооперативнинг (ширкатнинг) мол-мулки асосий жамғармалар қиймати, етиштирган маҳсулоти, уни сотишдан тушган даромадлар (фойда), аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари, банк кредитлари, қимматли қоғозлар ҳисобидан, шунингдек, кооперативнинг (ширкатнинг) уставида назарда тутилган бошқа фаолият натижасида ҳамда қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳосил бўлади. Кооператив (ширкат) мол-мулкини шакллантиришда юридик шахслар пул ва моддий бадаллар киритиш йўли билан шартнома асосида иштирок этишлари мумкин.

Кооператив (ширкат) томонидан ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг улушли иштирокига мувофиқ кооперативнинг (ширкатнинг) мулки ҳисобланади.

Таркибига кооперативлар (ширкатлар), мулкчиликнинг турли шаклидаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар кирган хўжалик уюшмаларининг мол-мулки уларнинг умумий (улушли) мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар (ширкатлар) кирган уюшмаларнинг мол-мулки, агар уюшмаларнинг таъсис ҳужжатларида ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу кооперативларга (ширкатларга) умумий (улушли) мулк ҳуқуқида тегишли бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

16-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай ва бўлинмас жамғармалари

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) умумий йиғилиш қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси шакллантирилади:

пай жамғармаси;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш, ирригация иншоотларини сақлаш, техника сотиб олиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, бошқа умумий ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун бўлинмас жамғарма.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймати баҳосини ва асосий жамғармаларнинг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятларидан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шакллантиришга йўналтириладиган маблағлар бундан мустасно. Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкалари қийматини баҳолаш Давлат ер кадастри ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида амалга оширилади. Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси кооператив (ширкат) аъзоларига умумий улушли мулк асосида, бўлинмас жамғарма эса — умумий биргаликдаги мулк асосида тегишли бўлади.

17-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) мулкий пайлар

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкий пайларга тақсимланиши лозим.

Мулкий пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тарақасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради.

Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкий пайининг аниқ миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзосига, унинг мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда кооперативнинг (ширкатнинг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромадининг (фойдасининг) пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланади ва мулкий пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

Кооперативдан (ширкатдан) чиқиш фермер хўжалиги ёки янги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкий пайлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг мулкий пайини мерос қилиб олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат унинг қийматдаги ифодасида амалга оширилади.

6-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

18-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ишлаб чиқариш фаолияти

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Давлат органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳоллари бундан мустасно.

Оила (жамоа) пудрати қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ички хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг устун шаклидир.

19-модда. Оила (жамоа) пудрати

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) ер участкалари, қоида тарақасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун оилаларга оила пудрати шартномаси шартларида вақтинча фойдаланишга берилади. Муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун ер участкалари жамоа пудрати шартномаси шартларида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ходимларининг гуруҳларига вақтинча фойдаланишга берилиши ҳам мумкин.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви тимсолида ва оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) томонидан тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси бўйича оила (ходимлар гуруҳи) пудратчи сифатида муайян қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ва уни буюртмачига — қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) келишилган муддатларда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса — мазкур маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш бўйича мажбуриятлари;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;

суғориш учун пудратчини сув ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва тарафларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартларида берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Пудрат шартномаси шартларида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Пудратчи, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ишларни бажариш усулларини мустақил равишда аниқлайди, уларни ўз кучи ва воситалари билан амалга оширади.

Буюртмачи оила (жамоа) пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда, ҳажмда ва тартибда пудратчига шартномада назарда тутилган ишларни бажаришда кўмаклашиши шарт.

Кўрсатилган ишларнинг бажарилишини моддий-техникавий таъминлаш, агар оила (жамоа) пудрати шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи томонидан амалга оширилади. Ишлар тугаганидан кейин пудратчи буюртмачи томонидан берилган моддий-техника ресурсларидан фойдаланилганлиги тўғрисида буюртмачига ҳисобот тақдим этиши, шунингдек, уларнинг қолдиғини буюртмачига қайтариши ёхуд буюртмачининг розилиги билан пудратчида қолган фойдаланилмаган моддий-техника ресурслари қийматини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланиши лозим бўлган ишлар қийматини камайтириши шарт.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра — етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва нархига қараб амалга оширилади. Шу билан бирга, оила аъзолари — пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартларида бериб қўйилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинадиган ер солиғини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) белгиланган тартибда тўлайди.

Ер участкаси олиб қўйилган тақдирда пудратчи зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) ва бошқа харажатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

20-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) меҳнат муносабатлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, кооперативнинг (ширкатнинг) устави ва ички иш тартиби билан тартибга солинади.

Кооператив (ширкат) уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун кооператив (ширкат) аъзоси бўлмаган шахсларни меҳнат шартномаси ёки битими бўйича ишга жалб этиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари ва тизимини оила (жамоа) пудрати шартномаси шартларини, қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар ва кафолатларни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларига мулкий пайлар бўйича тўланган дивидендлар меҳнат ҳақи таркибига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги бўйича белгиланган нормалар ва қоидаларга, ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоларини ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларни ижтимоий таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) маҳсулотни сотиш тартиби

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштирилаётган маҳсулотни сотиш учун, шу жумладан, давлат харидлари тартибида сотиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга.

Шартномаларнинг шартларига риоя этилмаган ёки улар бузилган тақдирда, тарафлар қонунда ёки шартномада белгиланган тарзда мулкий жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) етиштирилаётган маҳсулотни экспортга чиқариш, шунингдек, чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) солиқ солиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа тўловларни тўлайди.

**23-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) моддий-техникавий таъминлаш, унга агротехник ва бошқа хил х

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Қ О Н У Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

қондириш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Бу мақсадларда қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги):

ижтимоий инфраструктура объектларини қуради ва жиҳозлайди;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳудудидаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш, электрлаштириш, газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлашни амалга оширади, кооператив (ширкат) аъзоларига ва бошқа ходимларига хизмат кўрсатувчи кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашади;

ўз аъзоларининг деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга уларга уруғлик, қўчат, ёш қорамоллар ва жўжалар сотиш, агротехника ва ветеринария хизмати кўрсатиш, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишда кўмаклашиш йўли билан ёрдам беради;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказишда соғлиқни сақлаш органларига ёрдам беради;

ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади.

26-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) бирлашмалари

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ихтиёрийлик асосида, шу жумладан, улуш (пай) асосида бирлашиш, маҳсулотни етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва уни сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, хизмат кўрсатишнинг техникавий, сув хўжалигига оид, ветеринария, агрокимё, маслаҳат беришга оид ва бошқа турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бирлашиш, уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

27-модда. Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот бериш

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб ишларини юритади ҳамда маҳаллий статистика ва молия органларига ҳисобот тақдим этади.

7-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ) ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

28-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бор мол-мулк билан жавобгар бўлади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооператив (ширкат) аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан жавобгар бўлмайдилар.

Давлат қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) мажбуриятлари юзасидан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) эса, давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида кооператив (ширкат) аъзоларининг ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) ва унинг аъзоларининг, шунингдек, унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш учун жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

8-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВИНИ (ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИНИ) ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

30-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш асослари ва тартиби

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва кооператив (ширкат) уставида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) тугатиш:

умумий йиғилиш қарорига биноан;

хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) кредиторлар даъволари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки қиймати унинг аъзолари ўртасида тақсимланади.

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи. Телефонлар: 139-87-98, 139-81-73.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУР

ОКЛАХОМА УНИВЕРСИТЕТИ ЁРДАМГА ТАЙЁР

Кучли таълим тизими давлат ҳаётининг барча соҳаларида ютуқларга эришувнинг гаровидир. Маълумки, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. Хориж тажрибасини жалб этмаган ҳолда, республикамизнинг миллий хусусиятлари ва юқори малакали, ҳар томонлама маълумотли мутахассисларга эҳтиёжларини ҳисобга олиб тузилган бу Миллий дастурни халқимиз маъқуллади. Айни пайтда дастур хорижда катта қизиқиш уйғотмоқда. Унда ўртага қўйилган вазифалар жаҳондаги етакчи таълим марказларининг илмий ва академик доираларида ҳам англанди ва қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га келган мактуб бунга далил бўла олади. Ушбу мактубни газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

* * *

Мустақил Ўзбекистоннинг тинчлик, тараққиёт ва барқарорлик йўлида олға томон изчил ҳаракати жаҳоннинг кўп мамлакатларида хайрихоҳлик уйғотмоқда. Ёш республика қабул қилган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур биз, америкалик олимларда, айниқса, кучли таассурот қолдирди. Бизнингча, бу — жамиятни тубдан янгилашга қаратилган энг муҳим ҳужжатдир. Чунки ривожланган барча давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари ҳам кўп жиҳатдан кучли таълим сиёсати туфайли иқтисодиёт, демократия ва инсон ҳуқуқлари юксалишига эришди.

Американинг етакчи таълим ва илмий марказларидан бири ҳисобланган Оклахома университети Ўзбекистондаги ёш олий ўқув юрти — Самарқанд давлат хорижий тиллар институти билан самарали алоқа ўрнатган. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан, 1994 йил ноябрь ойида ташкил этилган бу институт ҳозирнинг ўзидаёқ хорижда танилди. 1996 йилда ўқув юртларимиз ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Институт ректори Юсуф Абдуллаевнинг яқинда Оклахома давлат университетига қилган сафари ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Самарқанд давлат институти ректори Оклахома университетининг президенти Жеймс Халлиган, бир қанча коллежларнинг деканлари билан учрашди. Натижада бундан кейинги ҳамкорликнинг дастури ҳамда қўшма ўқув режаси тузилди.Уларнинг асосий вазифаси — фақат инглиз тилини ўқитиш билан чекланиб қолмай, биргаликдаги ишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдан иборат. Чунончи, Самарқанд олий ўқув юрти талабалари шу йилнинг ўзидаёқ социология, фалсафа, жаҳон тарихи, педогогика, психология, бозор иқтисодиёти асослари ҳамда бошқа фанлар бўйича Оклахома университети профессорларининг лекцияларини тинглаши режалаштирилди.

Самарқанд туризм маркази сифатида бутун жаҳонга машҳур. Шу муносабат билан гид - тилмочлар бўлимида таржима назарияси ва амалиёт, экскурсия тажрибаси, туризм асослари каби фанларни ўқитиш кўзда тутилган.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурида Давлат мулки қўмитаси ёрдамида ташкил этилган туризм бўйича бизнес-инкубатор муваффақиятли ишлаётганини ҳисобга олиб, туризм соҳасидаги майда ва ўрта бизнес вакилларини ўқитишда олимларимизнинг фаол иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилинди. Ўқишни битирганларга "Туризм менежери" сертификати берилади.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда айни шундай вазифалар қўйилгани бизга маълум. Биз, Оклахома университети олимлари бу вазифаларни амалга оширишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Кит ТРИББЛ,
Оклахома давлат университети чет тиллар кафедраси профессори.
(ЎзА)

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Яқин вақтларгача акция, дивиденд, қимматли қоғозлар бозори деган сўзлар ғалати туюлар эди. Энди эса бу тушунчалар кундалик таомилда ишлатиладиган сўзларга айланиб боряпти.

ИККИНЧИ ЭМИССИЯ - ЧЕГАРА ЭМАС

Бозор иқтисодиётининг темир қонунларини мукаммал ўзлаштириб олаётган ҳиссадорлар фақатгина дивиденд олиш ҳақида бош қотирмай, жамиятнинг Низом фондини кўпайтириш, ёки бошқача айтганда, иккинчи эмиссия, яъни қимматли қоғозларнинг иккинчи бозорини ёшлаштириш тараддудида. Маълумки, давлат улуши 25 фоиздан ошиқ бўлган акциядорлик жамиятларига иккинчи эмиссия чиқариш учун рухсат республика Давлат мулки қўмитаси ёки унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан берилади.

Бу борада Фарғонанинг дастлабки қалдирғочларидан бири «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти бўлди, десак сира муболаға бўлмас. Бугунги кунда бу жамият мамлакатимиз қурилиш индустриясининг етакчи корхоналаридан бири сифатида мамлакатимиз довруғини бутун дунёга овоза қилаяпти. Корхона 1996 йилда эришган натижалари учун бутун дунёда эътироф этилган «Сифат ўзгаришлари учун» халқаро мукофотини олишга сазовор бўлди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида олис Испания пойтахти – Мадрид шаҳрида бу нуфузли мукофот корхона раҳбари Худойберди Қосимовга тантанали равишда топширилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, корхонани ҳеч ким жаҳонда эътироф этилган ушбу мукофотга тавсия этгани йўқ. Ташкилотнинг эмиссарлари Қувасойга ташриф буюриб, корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш, экология муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, энг муҳими, корхонанинг бир маромда ишлаётганлигини ўрганиб қайтишди. Маълум бўлишича, корхонанинг жаҳон миқёсида эътироф этилишида 1996 йилда 10,8 миллион сўмлик иккинчи эмиссия акциялари чиқарилганлиги муҳим роль ўйнаган экан.

Хориждагилар бу кўрсаткичга алоҳида эътибор берганларида жон бор. Чунки мураккаб шароитларда бир маромда ишлаётган, иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган, молиявий аҳволи изчил бўлган корхоналардагина иккинчи эмиссия чиқариш имконияти туғилади. Қувасойликларда эса бунинг учун барча асослар бор эди. 1996 йилда жамият 56 миллион 783 минг сўм соф фойда олди. Шунинг 51 фоизи, яъни 24 миллион 616 минг сўми давлат улушига ажратилган. Лекин бу маблағ давлат хазинасига тушди, деган гап эмас. Чунки акциядорлик жамиятининг Низомига биноан, у корхона ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш учун ишлатилади.

Жамиятдаги қолган акцияларга 23 миллион 650 минг сўм маблағ тақсимланадиган бўлди. Бу номинал қиймати 500 сўмлик бўлган ҳар бир дона акцияга 381 сўмдан дивиденд тўланди, деган гап. Мўмай даромад олган акциядорлар ўзларининг йил якунига бағишланган йиғилишларида иккинчи эмиссия чиқариш тўғрисидаги қарорни мамнуният билан кутиб олдилар. Бу ташаббусни Давлат мулки қўмитасининг вилоятдаги ҳудудий бошқармаси қўллаб-қувватлади. Натижада корхона қўшимча равишда қимматли қоғозлар бозорига 10 миллион 800 минг сўмлик акция чиқарди. Уларнинг асосий қисми илгаридан берилган аризаларга биноан корхонада меҳнат қилаётганларга тарқатилди.

Маълумки, қимматли қоғозлар бозорига иккинчи марта чиқарилаётган акциялар корхонадаги қўшимча ишлаб чиқариш кучлари, техник жараёнлар, асбоб-ускуналарнинг қийматлари билан кафолатланган бўлиши керак. Қувасойликлар бу борада ҳам сира чўчишгани йўқ. Чунки акцияларнинг давлат улуши ҳисобига қолган фойда пулига цемент майдалаш цехи тўла реконструкция қилинди, чангларни ушлаб қоладиган замонавий тутқичлар ўрнатилди. Ишчиларнинг таъминотини яхшилаш мақсадида қўшимча савдо шохобчалари барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси иккинчи эмиссия, яъни қўшимча қимматли қоғозлар бозорини пайдо қилиш имконини яратди. Айни кунларда қувасойлик цементчилар ўзларининг ҳаётида муҳим из қолдирган 1997 йил якунларини ҳисоб-китоб қилишяпти. Молиявий кўрсаткичларнинг дастлабки таҳлили натижалар ўтган йилгидан яхшироқ бўлишини кўрсатиб турибди. Бу — жамиятда яна қўшимча акциялар чиқариш имконияти туғилади дегани. Шу боис корхонада янги акциялар сотиб олиш учун берилган аризалар кун сайин ортиб бораяпти.

Бозор қонунлари иқтисодиётимизга тобора изчил кириб бормоқда. Қатор жамиятларда дивидендлар ҳисобидан мавжуд акцияларни сотиб олишга барча бирдай қизиқяпти. Акциядорлар қанчалик кўп қимматли қоғозга эга бўлсалар, мулкка эгалик ҳисси ҳар қачонгидан кўп бўлишини яхшироқ сезишяпти. Вилоят мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими томонидан олинган маълумотларга кўра, қатор акциядорлик жамиятлари иккинчи эмиссия чиқаришни сўраб мурожаат қилишяпти. Ўтган йили Қўқон шаҳридаги автомобиль ўқув-ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти иккинчи эмиссия ҳисобидан 1 миллион 400 минг сўмлик акция чиқарган эди. Янги йилдан бу жамият яна қўшимча акциялар чиқаришни сўраб мурожаат қилди.

Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиёти талабларини тўғри тушуниб меҳнат қилаётган ҳиссадорлик жамиятлари фаолияти яхши йўлга қўйилганлиги, бу эса жамоа аъзоларининг қимматли қоғозларга ишончи тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Шубҳа йўқки, яна 1-2 йилдан сўнг қимматли қоғозлар бозорининг иккинчи эмиссиясини ташкил қилиш ҳеч бир тарғиб ва ташвиқ ишларисиз ҳам қизғин давом этаверади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ОҚСОҚ» ТРАКТОРЛАР

Жиззах вилоятида бу йил қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлашда оқсаш сезилянти. Айниқса, Арнасой туманидаги айрим хўжаликларда бу муҳим тадбирга панжа орасидан қараляпти. Жумладан, туманнинг Б. Файзиев номли ва «Хоразм» деҳқон хўжаликлари уюшмаларида техникани мавсумга тайёрлаш кўнгилдагидек бормаяпти.

Баҳорги экиш мавсумига саноқли кунлар қолаётганига қарамасдан, «Хоразм» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раҳбариятининг парвойи палак. Бу хўжаликда техникаларга хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда. Улар очиқ ҳавода қаровсиз ётибди.

Ўтган йили Арнасой туманида давлатга пахта сотиш режаси бор-йўғи ярмига адо этилди. Бу ерда ана шу хатолардан тўғри хулоса чиқарилмаяпти. Агар мана шу ҳолга тезда барҳам берилмаса, туманда бу йил ҳам режалар барбод бўлиши турган гап.

СУРАТЛАРДА: «Хоразм» деҳқон хўжаликлари уюшмасидаги ҳайдов тракторлари мана шундай аҳволда; Б. Файзиев номли деҳқон хўжаликлари уюшмасининг қишлоқ хўжалик техникаси саройида очиқ-сочиқ ҳолда ётган чопиқ тракторлари.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

КЕНЖА КОРХОНАЛАР

ТИББИЁТ СПИРТИ ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Қадимий Қўқон яна бир муҳим стратегик маҳсулоти билан Марказий Осиёга довруқ тарата бошлади. Янги йил арафасида ишга туширилган спирт заводининг иккинчи навбати тобора тўла қувват ва юқори унум билан ишлатилмоқда. Қисқа муддат ичида мамлакат шифохоналари учун ғоят зарур бўлган 20 минг декалитрдан зиёд тиббиёт спирти етказиб берилди. Маҳсулотни қабул қилиб олган даволаш муассасалари унинг сифати хорижникидан сира қолишмаслигини алоҳида таъкидлашмоқда.

Собиқ кимё заводи ўрнида барпо этилган корхонанинг биринчи навбати ишга туширилишида мутахассислар, ишчилар асосан четдан жалб этилган бўлса, иккинчи навбатини маҳаллий мутахассислар тўла қувват билан ишлатаяптилар. Энди мамлакатимиздаги дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналари, даволаш муассасалари, озиқ-овқат саноати корхоналарига четдан спирт олиб келишга эҳтиёж қолмади. Чунки корхонада бир йилда 900 минг декалитрдан зиёд спирт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

С. НАБИЕВ.

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ...

ЧОЙХОНА ЭМАС, ҒАМХОНА СОТИБ ОЛДИМ

Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. Семириб танасига сиғмай кетибди. Пишиллаб, зўр-базўр нафас олаяпти.

– Озмоқчиман, дори-дармон қиляпман, – деди у хижолатомуз.

– Ҳеч қандай дорининг кераги йўқ. Яхшиси, сен республика Кўчмас мулк биржаси вилоят бўлимига бор. У ердагилар уч-тўрт ой ичида шолипоя ўртасига ўрнатиладиган қўрқчидай ҳилвиратиб қўйишади, – дедим.

Уч йил муқаддам «Ким ошди» савдосида қатнашиб, Пахтаобод туманидаги «Андижон» жамоа хўжалигига қарашли чойхона биносини ери билан сотиб олган эдим. Энди билсам, аслида чойхона эмас, ғамхона сотиб олган эканман. Биржадаги масъул шахслар мени қанчалар овора қилганини, асабларимни қақшаттанини, йўғон бўлса чўзилиб, ингичка бўлса узилиб кетар ҳолатига олиб келиб қўйишганини бир ўзим биламан.

Олди-сотди шартномасига асосан, мулк қийматини мулк эгасининг ҳисоб рақамига ўз вақтида тўлаганман. Ҳатто ер учун тўловлар тўлалигича амалга оширилган. Қизиғи шундаки, бу ҳақдаги ҳужжатлар ўз-ўзидан ғойиб бўлди. «Ким ошди» савдоси ташкилотчилари, хусусан, республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлими бошлиғи М. Юсупов ҳужжатларни тополмай, 4 ой сарсон қилди ва ниҳоят, ўзимнинг иштирокимда архивдан топиб берди.

– Уч томонлама шартномага мулк эгасининг имзосини қўйдириб, муҳр бостириб келасиз, – деб айтишди.

– Бу ишлар сизларнинг вазифангиз эмасми? – дедим.

– Биз озчиликмиз, улгурмаяпмиз, – деган жавобни олдим улардан.

Елиб-югуриб ҳужжатларни тўғриладим. Шундан кейин жаноб Юсуповга кўп маротаба учрадим. Бироқ натижа чиқмади. Ҳатто ёзма равишда қилган мурожаатларимга ҳам жавоб ололмадим. Ниҳоят, 1997 йилнинг декабрь ойида улар менга «ордерни бир ҳафта ичида оласиз», деб айтишди. Аслида бу ваъдалар қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдиришдан бошқа нарса эмас эди. Бироқ нуфузли ташкилотнинг мансабдори куппа-кундуз куни кўзингизга қараб туриб ваъда берганидан кейин ишонгинг ҳам келар экан.

Ўтган йилнинг 17 декабрь куни яна ўша ташкилот остонасига бош уриб бордим. Натижа чиқмади. Шу йилнинг 5 январида яна уларга кўндаланг бўлдим. «Бир-икки кундан кейин келинг, ёзиб қўямиз», дейишди. Орадан тўрт кун ўтказиб келсам, нима дейишди денг: «Ҳужжатлар тўла эмас, тўғриланг», деб айтишди. Воажаб! Ҳужжатларни ким тўғрилайди, менми ёки айнан шу мақсадлар учун 9500 сўм миқдорида гаров пулини олган биржа мутасаддиларими?

Уч йилдан буён мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат (ордер) бўлмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш режаларим барбод бўлмоқда. Менга ишонч билдирган одамлар ишсиз юрибди. Қўшимча бинолар қуриб, янги иш ўринлари яратиш имконидан маҳрумман.

Қишлоқ мулкдорини сарсон-саргардон қилаётганлар кимнинг эркалари экан? Шуни билиб берсангизлар.

Умиджон ҒОЗИЕВ,
пахтаободлик тадбиркор.

ПАЙЧИЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида ишни пай усулида ташкил этиш юқори самарадорликка эришиш воситаларидан бири эканини таъкидлади. Касби тумани деҳқонлари бунга ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилмоқда. Бу ердаги талайгина хўжаликлар ўтган йили ишни ана шу усулда ташкил этиб, ғалла ва пахта етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришди.

Тумандаги Ш.Рашидов номли пайчилик қишлоқ хўжалик жамиятида бўлиб ўтган семинар-кенгашда бу тажриба умумлаштирилди. Унда туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик корхоналари, машина-трактор парклари раҳбарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари қатнашди.

Кенгашда вилоят ҳокими О.Пармонов сўзга чиқди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИНТИЛИШ

Бугунги кунда ёшлар учун ҳам ишлаш, ҳам ўқишда ҳар томонлама имконият ва имтиёзлар бор. «Камолот» жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ёшларнинг имкониятларини юзага чиқаришда яқиндан кўмаклашаётган ташкилотлардан биридир.

Мазкур ташкилот фаолияти билан қизиқсангиз, айниқса, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Каттақўрғон шаҳар ва Паст Дарғом тумани бўлимлари қошида ташкил этилган макарон цехи, «Юлдузлар» кўп тармоқли ёшлар маркази, «Камолот-Шоҳрўҳ», «Камолот-Ниҳол» фирмаларининг фаолияти фикримизга далил бўла олади.

Айни пайтда жамғарма ўзининг «Садоқат» газетасига эга. Газетанинг ойига икки марта мунтазам чиқиши таъминланган. Ижодкор ёшлар бу имкониятдан жуда мамнун. «Ўзи ёшлар ташкилоти — жамғармаси нима ишлар билан банд?» деб қизиқувчилар энди газета орқали унинг фаолиятидан хабардор бўлишади.

Ёшлар онгига Ватан меҳрини, аждодларимиз меросига эҳтиром туйғусини сингдириш, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш, сиёсий онг ва демократик тамойилларни шакллантириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар ўз натижасини бераяпти.

Иш билан банд бўлган ёшларнинг кўнглида бекорчи хаёллар бўлмайди. Ҳамма кўнгилсизликлар ишсиз юрганлар орасида учрайди. Шунинг учун ҳам жамғарма ходимларининг асосий диққат-эътибори бекорчи ёшларга иш ўринлари яратишга қаратилган. Вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси билан ҳамкорликда мунтазам меҳнат ярмаркалари ўтказиб келиняпти. Йил давомида 1218 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди.

Жамғарма ўз фаолияти доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўмак беришга ҳаракат қилади. Олинган маълумотларга кўра, вилоятда 18046 нафар ёш ногиронлар бор. Шаҳардаги 9,10-Меҳрибонлик уйлари оталиққа олинган. Байрамларда уларга совғалар улашилди.

Жамғарма жамоатчилик марказлари тузишни фаолиятининг асоси қилиб олган. Тиббиёт институти жамоатчилик маркази қошида чет тилларни ўрганиш маркази, ётоқхоналар ёнида новвойхона, Ургут туманидаги «Кулолчи» маҳалласида ёшларни миллий ҳунармандчиликка ўргатиш гуруҳлари тузилган. Бу ерда 40 нафар ёшлар касб-кор — ҳунармандчилик сирларини ўрганмоқдалар.

Ўтган йил баҳорда жамғарма ва унинг бўлимлари «Ҳар кимнинг ўз боғи бўлсин» ғоясини илгари суришганди. Амалда бир қатор ёшлар боғи, маҳаллаларда эса кичик боғлар барпо этилди.

Халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ҳар доим диққат марказида турибди. Германия ёшлар ташкилотидан вакиллар қабул қилиниб, учрашувлар ўтказилди.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқилган. «Ёшлар тезкор гуруҳи» фаолияти яхши самаралар бермоқда. Шу нарса аҳамиятлики, 105 нафар ўсмир вояга етмаганлар инспекцияси назорати рўйхатидан чиқарилди. Тартиббузарликка мойил бўлган ўсмирлар жамғарма фаолларига бириктириб қўйилган. Вилоят адлия бошқармаси қошида ташкил этилган ҳуқуқий-маърифат тарғибот маркази билан биргаликда қатор учрашувлар ўтказилдики, бу ёшларга ҳуқуқларини тушунтиришда қўл келмоқда.

Сени тинглайдиган, қўлидан келганча кўмак берадиган бир маскан борлигини ҳис қилишга нима етсин! Ёшлар келажаги учун қуюнаётган, уларга қулайлик яратишга интилаётганлар борлигининг ўзи ёш йигит-қизлар учун катта имкониятдир.

Гули ЧЕҲРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

ҚАЙТИШ

Козимжоннинг бугунги иш куни ҳар қачонгидан оғир бошланди. Ҳамкасблари билан ҳам салом-аликни қисқа қилди. Иш билан овунарман деб ўйлаганди, фойдаси бўлмади – кўзи қоғозда-ю, лекин фикрлари тутқич бермас, боши тарс ёрилай дерди. Қоғоз-ручкани бир четга суриб қўйди-да, сигарет тутатди. У кўнглини баттар беҳузур қилди. Хонаси бурчагидаги оромкурсига чўкди-да, беихтиёр хаёлга толди: унга нима бўляпти ўзи? Ярим тунгача чўзилган кечаги зиёфатдан уйига қандай етиб келганини эслашга ҳаракат қилди, эслай олмади. Шу идорага ишга ўтди-ю, юриш-туришлари ўзгариб кетди. Умуман олганда идорадаги ишлари ёмон эмас – раҳбарлари ҳам ундан хурсанд.

Ҳаммасига сабаб – идорадаги асосий хизматидан ташқари тижорат ишларига ҳам аралашиб юришадиган учтўртта ҳамкасблари даврасига қўшилиб қолгани. Айниқса, кейинги кунларда ана шу «улфат»лари ҳар хил ясама баҳоналар билан уюштиришадиган «зиёфатча»лар кўпайиб кетди. Бундай «зиёфатча»лар бора-бора жўрабошилари – Ғайрат мўйловнинг таъбири билан айтганда, «базми жамшид»ларга айланди. Уларда қатнашувчиларнинг гап-сўзлари ҳам ўзгача — чучмал, фикри-зикрилари кайфу сафо, суҳбатларининг мавзуси ҳам сайру сайёҳат, бозордаги олди-сотдилар...

Тўғри, Козимжоннинг олдинги ишхонасида ҳам гапи-гапига тўғри келадиган беш-олтита ҳамкасблари билан биргаликда ҳордиқ чиқаришлар бўлиб турарди. Бироқ улар камчиқим, қисқа, батартиб бўлар, бирорта кўнгилли сабаб билан, имкониятга қараб уюштириларди. Ҳар ойда бир-икки марта ҳамкасбларидан бирортасиникида тўпланишар, камтарона дастурхон атрофида дунёвий мавзуларда дилдан суҳбат қуришарди. Суҳбат баҳонасида бир-бирларининг оилавий аҳволидан, хурсандчилиги, муаммоларидан бохабар бўлишарди, бирортасида мушкулот бўлса баҳоли-қудрат кўмаклашишарди...

Бу ерда батамом тескариси. Кечаги «зиёфатча» эса олдингиларидан ҳам ўтиб тушди: ҳамкасби – хонадон соҳиби худди кўргазма ташкил қилгандек дастурхон тузади, хилма-хил таомларни, ичимликларни қалаштириб ташлади. Қадаҳларнинг охири кўринмайди... Козимжон ҳар галгидек уйига қачон, қандай етиб келганини эласэлас эслайди. Эрталаб аранг ўрнидан турганда тонг ёришган, боғчада мураббия бўлиб ишлайдиган хотини Азиза ўғли билан қизчасини олиб аллақачон боғчага кетиб бўлганди. Азиза ҳар доимгидек, унинг учун нонуштани ҳозирлаб кетганди. Козимжоннинг татиб кўриш у ёқда турсин, уларга қайрилиб қарагиси ҳам келмасди. Кечаги сўнгсиз қадаҳлар таъсиридан ҳали ҳам карахт эди. Зўр-базўр ишга жўнади.

Хаёлини телефон қўнғироғи бузди. Боғчадан Азиза телефон қилаётганди:

– Илтимос, иложи бўлса бугун ишдан эртароқ қайтишга ҳаракат қилинг. Эрталаб ишга кетишимда айтиб қўймоқчи эдим, ишдан чарчаб келгансиз, деб уйқунгизни бузгим келмади. Биларсиз – бугун ойижонимизнинг туғилган кунлари. Табриклагани борамиз. Мен тайёргарлик кўриб тураман.

Козимжон бирдан сергакланди: «Воажаб, буёғи қандай бўлди? Наҳотки, шу даражага бориб қолган бўлсам? Дўстбиродарлар, қариндошлар у ёқда турсин, ҳатто ўз волидамнинг ҳам таваллуд кунини унутган бўлсам?

Козимжон охирги марта ойиси, хотини, болалари, рўзғори учун бирор нарса харид қилганини эслашга уринди. Йўқ, эслай олмади. Фақат бундан бир ҳафта бурун маош олган кунини хотирлади: ўшанда орадан ярим соат ўтар-ўтмас, жўрабоши Ғайрат мўйлов хонасига кириб келди-да, олдига бир парча қоғозни ташлади:

«Мана, биродар, тунов кунги «ҳашар базми жамшид»имизнинг ҳисоб-китоби. Шуни ўрнига қўйсак».

... Ўша куни Козимжон уйга келгач, хотинига: «Маош олувдим. Дўстлардан бироз қарзим бор эди – бердим. Қолгани мана шу», – деб каловланди.

– Козимжон ака, буларни чўнтагингизга солиб қўйинг, тушлигингизга ишлатарсиз. Энг муҳими – қарзни узиб яхши қилибсиз. Худога шукр, вақтида ҳунар орттирган эканман, бўш вақтларимда кўни-қўшниларнинг буюртма кийим-кечакларини тикиб, рўзғор пули чиқариб турибман.

Хаёли шу ерга етганда Козимжон инграб юборди. Ҳаётида биринчи марта ўзўзидан нафратланди. «Ё тавба, бу қандай ҳол бўлди? Мен ярим тунгача зиёфатма-зиёфат юрсам, бечора хотиним эса боғчадан ҳориб-чарчаб келишига қарамай, рўзғорим деб, тун бўйи тикувчилик қилса...» Ўйлаб-ўйлаб, ҳеч кимдан қарз олмасликка, Азиза билан маслаҳатлашиб ойисини табриклашни бошқа кунга қолдиришга қарор қилди.

...Козимжон уйга етиб келганда Азиза ҳар хил пиширириқларни дастурхонга тугиб қўйиб, болаларини кийинтираётганди.

– Хайрият, бугун ҳам ишингиз кўпайиб кеч келасизми, деб хавотирланиб турувдим. Тайёрлана қолинг, дастурхонга қўйиш учун ул-бул пиширгандим, вақтлироқ олиб борайлик.

Козимжон Азизанинг бу сўзларидан яна баттарроқ эзилди. Ҳар гал зиёфат чиққанда «ишим кўпайиб кетди, кечроқ бораман» деган баҳоналарига ишониб келган муштипар хотинининг кўзига тик қарашга журъат этолмасди:

– Азиза, ойимларникига боришни бошқа кунга қолдирсак. Ҳозирча телефонда табриклаб кўя қолсак. Негадир, тобим йўқроқ...

– Ундай деманг, ахир, укаларингиз, қариндошлар тўпланишади-я. Бормасак, ойимлар хавотир оладилар.

– Шундайку-я, лекин кўпчилик олдида қуруқ кириб бориш қандай бўларкин? Камхаржроқ бўлиб ойимга ҳеч нарса ололмадим.

– Э, буёғини қўяверинг. Совғани аллақачон тайёрлаб қўйганман...

– Ие, бу кўйлаклик матони янги келинлик кунларингизда чет эл сафаридан сизга атайлаб олиб келувдим, шекилли. Ҳали ҳам тиктирмаганмидингиз? Йўқ, йўқ, Азиза, буни ўзингизга қолдиринг. У келинлик кунларингиздан хотира-ку?

– Мен ҳали ёшман. Соғ-саломат бўлсам, ойижонимизнинг ёшларига етгунча бундай кўйлакларнинг кўпини кияман. Қолаверса, уни ўшандаёқ ойижонимизга атаб олиб қўйганман.

Сабр-косаси тўлиб кетган Козимжон ундан ўз қилмишлари учун ўзи тавба қилишини шу пайтгача сабр-тоқат билан кутиб келган садоқатли хотинидан, анчадан буён ҳақиқий ота меҳрига қонмай келаётган норасида фарзандларидан шу топдаёқ тиз чўкиб, узр сўрагиси келди-ю, лекин нафаси бўғзига тиқилиб тили айланмади, беихтиёр кўзи намланди...

Шу пайт телефон жиринглади. Азиза «Ойимлар бўлса керак, кечикаётганимизга хавотир оляптилар», деб гўшакни шоша-пиша кўтарди. Йўқ, адашган экан:

– Козимжон ака, сизни сўрашяпти.

Козимжон Ғайрат мўйловнинг шанғиллаётган ёқимсиз овозини дарҳол таниди:

– Э, биродар, бу нима қилганингиз, ишхонада ҳеч кимга ҳеч нарса демай уйга жўнаворибсиз? Ахир, кечаги «зиёфатча»нинг давоми бор эди-ку?!.

Шусиз ҳам тавбасига таяниб турган Козимжон ортиқ чидаб туролмади:

– Менга қаранг, «жўрабоши»! Ҳозирдан бошлаб ўша зиёфатчилар рўйхатингиздан мени бутунлай ўчиринг. Хайр! — дея гапни қисқа қилди.

Козимжон ўзини қушдай енгил ҳис қилиб, ёнида ифодалаш қийин бўлган севинч, миннатдорчилик билан ўзига термулиб турган Азизага бир зум меҳр билан боқиб турди-да, хушкайфият билан болаларини бағрига босди:

– Қани, болажонларим, Азизахон, ойижонимизни табриклагани кетдик!

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ – ВЕЛОСИПЕДДА

Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиш тобора оммавийлашиб бормоқда. Ушбу йўналиш бўйича қатор автопойгалар бўлиб ўтди. Инглиз сайёҳи эса бу масофани ўзининг мотоциклида босиб ўтишга муваффақ бўлган эди. Лекин ҳали ҳеч ким бундай саёҳатни велосипедда амалга оширгани йўқ.

Мана икки йилдирки, францияли Кристофер Рейнал ўзининг эски велосипедида ушбу йўналишда ҳаракатланмоқда. У бутун Европа, Кичик Осиёни айланиб, яқинда меҳмондўст Ўзбекистонга етиб келди. Сафар чоғи ўсиб кетган соч-соқолини Урганчдаги сартарошхонада олдирди.

32 ёшли дизайнер нимага айнан шу йўналишни танлаганини жуда оддий изоҳлайди:

– Мен Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Лекин юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, дейишган. Велосипед билан сокин сафар атрофни кузатишга, одамлар билан учрашишга имкон беради. Бундан ташқари, соғлиққа ҳам катта фойдаси бор.

Лекин бундай саёҳатнинг азоб-уқубатлари ҳам бор. Ҳозир Хоразм вилоятида 15 даража совуқ, шамол эсаяпти. Ҳатто қалин ёққан қор ҳам сафарни тўхтатишга сабаб бўла олмади. Шу кунларда Кристофер Рейнал ўзининг саёҳатини мамлакатимизнинг бепоён кенгликларида давом эттирмоқда. Ўзбекистондан сўнг Қирғизистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон ва Таиландга йўл олади. Кристофер ўзининг ушбу сайёҳатини 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида ниҳоясига етказишни мўлжалламоқда ва у бу ерда очиладиган навбатдаги Олимпиада ўйинларининг меҳмони бўлади.

Ҳурмат БОБОЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛНИНГ ҲАҚЛИ ТАЛАБИ

Босния ва Герцоговинада тинчлик ўрнатиш бўйича имзоланган Дейтон шартномасида қарама-қарши томонлар зиммасига барча ҳарбий жиноятчиларни Гаагадаги халқаро трибуналга топшириш мажбурияти юкланган эди.

Халқаро трибунал 1949 йили қабул қилинган Женева конвенцияси қоидаларига, уруш одатлари ва қонунларига хилоф равишда инсониятга нисбатан қилган жиноятлари учун ва халқларни геноцид қилишда 78 нафар кишини айбдор деб топган эди. Юқорида эслатиб ўтилган шартномага кўра, барча томонлар – серблар ҳам, хорватлар ҳам, мусулмонлар ҳам ҳарбий жиноятчиларни ихтиёрий равишда одил судлов қўлига топширишлари керак эди. Афсуски, ҳозиргача 78 нафар жиноятчидан фақат 23 нафаригина Гаага ҳарбий трибунал қамоқхонасида сўроқ бермоқда. Шу боис ҳозир Босниада фаолият кўрсатаётган НАТОнинг Барқарорлаштириш кучлари ўзларининг кўплаб вазифалари билан бир қаторда ҳарбий жиноятчиларни қўлга олиш билан шуғулланмоқда. Яқинда ана шу Барқарорлаштириш кучлари Биелин шаҳрида одил судловдан қочиб юрган, қонунни 56 ҳолатда бузишда айбланаётган серб Горан Елисични қўлга олди. Барқарорлик кучлари бундан аввал ҳам тўрт нафар ҳарбий жиноятчини ушлаган эди.

Халқаро трибунал қидирувда бўлган барча ҳарбий жиноятчиларни ихтиёрий равишда ўзларини одил судлов қўлига топширишга даъват қилмоқда. 1997 йилнинг октябрь ойида ҳарбий жиноятларда айбланаётган 10 нафар хорват ўзларини ихтиёрий равишда ҳарбий трибунал қўлига топширган эди.

Халқаро трибунал барча ҳарбий жиноятчилар, жумладан, Радован Караджич (у Босния сербларининг собиқ раҳбари) ва генерал Радко Младич ҳам қамоққа олиниши лозимлигини қайта-қайта уқтирмоқда. Бу нарса Дейтон тинчлик шартномасида аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ҳарбий жиноятлар бўйича Гаага халқаро трибунали Босниада адолат тўла тантана қилиши учун уруш пайти тинч аҳолига нисбатан ёвузлик қилган барча жиноятчилар, миллатидан ва қандай вазифада бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортилиши керак, деган ҳақли талабни илгари суришмоқда. Бу талабни БМТ ва жаҳон жамоатчилиги тўла қўллаб-қувватламоқда.

Ж. САФОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОБРЎСИ БАЛАНД

«Ньюсуик» ҳафталиги ўтказган жамоатчилик сўрови натижалари АҚШ Президенти Б. Клинтоннинг обрўси халқ орасида ниҳоятда юқори эканлигини кўрсатди. Сўровда асосан сайлов ҳуқуқи бор фуқаролар иштирок этиб, уларнинг 70 фоизи Б. Клинтон фаолиятини маъқуллашган. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, Президент бу қадар юқори рейтингга шу пайтгача эришмаган эди.

ЖИНОЯТ ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Словакия божхона хизмати Нитра шаҳри атрофидаги омборхоналардан бирида 13 тонна гиёҳванд модда – марихуана борлигини аниқлади. Ушбу жиноятни фош этиш давомида тўрт нафар киши ҳибсга олинди. Умумий баҳоси 70 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу оғу мамлакат ҳудудига беш йил давомида пешма-пеш ташиб келинган.

ҚАҲВА МЎЛ БЎЛДИ

Бразилияда 1998 йилда 2 миллион тонна қаҳва йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 200 минг тонна кўпдир. Сўнгги йилларда ҳосил бу қадар мўл бўлмаган эди. Айниқса, жаҳон бозорида қаҳвага талаб ошиб бораётган бир пайтда бундай натижага эришиш бразилиялик деҳқонларни хурсанд қилмоқда.

ЧИПТАЛАР НАРХИ ОШМОҚДА

Япониянинг Нагано шаҳрида ўтажак қишки олимпиада ўйинларининг очилиш маросимига кириш чипталарининг расмий нархи 300 АҚШ долларидан зиёд. Чайқовчилар қўлида эса чипталар нархи уч баробар қиммат. Ҳозиргача умумий миқдори 42 миллион долларлик чипта сотилган.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

Ўтган йили Тошкент шаҳар Юнусобод мавзесида шарқшунослик лицейи ташкил қилинган эди. Лицей тез орада тилга тушди. Ўқувчилар бу ерда нафақат Шарқ мамлакатлари тилларини, балки замонавий техника, асбоб-ускуналар, компьютерларнинг «тиллари»ни ҳам тезда ўзлаштириб олдилар.

– Лицейга 8-синф ўқувчилари танлов асосида қабул қилинади, - дейди лицей директори Шавкат Орипов. - 200 ўқувчига мўлжалланган бу бино эски боғча эди. Уни Юнусобод туман ҳокимлиги шаҳар, туман халқ таълими бошқармалари ёрдамида қайта таъмирдан чиқарди. Синф хоналари замонавий техника билан жиҳозланган.

Бу даргоҳда асосий фан сифатида инглиз тили ўтилади. Япон, корейс тилларига кенгроқ эътибор берилади. Бундан ташқари, форс, турк, араб, ҳинд тиллари ҳам ўқитилади.

СУРАТДА: машғулот пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ФИКР

ҲАЁТ ОЙНАСИ БЕҒУБОР БЎЛСИН

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўн йиллигини нишонлаймиз. Қонун қабул қилингандан кейин жамиятимиз ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин шу ўринда, менимча, бошқа бир муаммо пайдо бўлди. Бу саводхонлик билан боғлиқ бўлган масаладир. Назаримда, кейинги пайтларда кишиларнинг, айниқса, мактаб ўқувчиларининг имло саводхонлиги пасайиб бормоқда. Шу хусусдаги ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни баён қилмоқчи эдим.

Маълумки, саводхонлик кишининг маданий савиясини белгилайдиган асосий омиллардан биридир. Китоб, газета-журнал ўқимайдиган кишининг саводхонлиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Чунки кишилар мактабда ўқиб юрган вақтлариданоқ матбуот нашрларини, китобларни мутолаа қилиш орқали сўзларнинг қандай ёзилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиб боради. Ахир, ҳамманинг ҳам «Имло луғати»ни варақлашга имконияти йўқку!

Мен лицейда ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётидан дарс берганман. Шунда бир нарса эътиборимни тортди. Ўқувчилар кўпинча ёзма ишларда орфография билан боғлиқ бўлган типик хатоларга йўл қўярдилар. Хўп, улар-ку ўқувчи экан, лекин ҳозирги вақтда кўпгина китоблар, газета ва журналлар, кўча-кўйдаги реклама ва эълонлар, шиорлар, бино пештоқларидаги ёзувлар, телевидение субтитрларида ҳам сўзлар хато ёзилмоқдаки, бу гоят ачинарли ҳолдир. Ҳатто баъзи давлат ҳужжатларида ҳам бу ҳолатни кўришимиз мумкин. Масалан, ҳозир юритилаётган «Меҳнат дафтарчаси»нинг охирги варағида йўриқномадан кўчирма берилган. Ўша варақнинг ўзида 4 та имло ва услубий хатога йўл қўйилган. «Афв», «ёндашмоқ», «тақиқламоқ», «қатъи назар» каби сўзлар кўпгина жойларда хато ёзилаяпти.

Матбуот нашрларининг босмадан чиқиш санасини кўрсатишда ҳам ҳар хилликлар мавжуд. Баъзи газеталарда сана «6 август, 1996 йил» тарзида белгиланса, бошқаларида «1997 йил 13 сентябрь» шаклида ёзилади. Бизнингча, сана «фалон йилнинг фалон куни» (масалан, 1998 йилнинг 24 январи) кўринишида ёзилса, дуруст бўларди. Чунки мантиқан ўйлаб қаралса, шуниси тўғрироқ.

Яна бир масала. Ҳозир кирилл алифбоси бўйича ёзилаётган айрим матнларда юмшатиш белгиси туширib ёзиляпти. Ахир, кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувида юмшатиш белгиси бўлса, уни қўллаш керак-да. Бошқа сўзларни қўятурайлик, ойларнинг номини ёзишда юмшатиш белгиси баъзан қўлланилади, баъзан йўқ. Тўғри, ўзбек тили таркибида юмшатиш белгиси бор бўлган сўзларни қўллаганимизда уни кўпам сезавермаймиз. Агар шундоқ бўладиган бўлса, буни маълум бир меъёрга солиш керак. Чунки биргина ой номларининг турлича ёзилиши ҳар хил чалкаш, муаммоли фикрларни келтириб чиқаряпти.

Худо хоҳласа, 2000 йилдан кейин тўлиқ лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтамиз. Аста-секин бунга тайёрланиб боряпмиз. Матбуот, телевидение орқали ушбу соҳада анча ишлар амалга ошириляпти. Аммо бу ҳам камчиликлардан холи эмас. Мисол учун, айрим вақтларда телевидениеда кўрсатув ижодкорларининг номлари лотин алифбосида ёзилади. Гоҳида «Хаким» (Ҳаким) «Ишоқ» (Исоқ), «Мехмон» (Меҳмон) «Барноҳон» (Барнохон) тарзида ёзилган номларни кўриб, кишининг энсаси қотади.

Тўғри, бу гаплар бир қараганда арзимасдек туюлиши мумкин. Лекин жумлаларни тўғри тузиш, сўзларни тўғри ёзиш, умуман, имло саводхонлиги ҳам кишининг нечоғли маданий савияга эга эканлигини кўрсатади.

Матбуот — ҳаёт ойнаси, дейишади. Ана шу ойнанинг қанчалик тоза, тиниқ бўлиши ўзимизга боғлиқ. Албатта, иш бор жойда камчиликлар бўлиши табиий. Юқоридаги сингари хатоларни бартараф этиш учун, фикримча, олий ўқув юртларида тил-адабиёт ўқитувчилари тайёрлаш сифатини ошириш, газеталарда эса мусаҳҳиҳлар саводхонлигига эътиборни кучайтириш, шу билан бирга, айрим сўзларнинг муайян имло қоидаларига мос тарзда ёзилишини назорат қилиш зарур.

Умарали ҚОДИРОВ,
аспирант.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг (қисқача "Марказ") Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 65, 105-моддаларига биноан, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган барча акциядорлик жамиятлари 1997 молиявий йил тугаганидан кейин олти ой муддатдан кечиктирмасдан ўзларининг умумий ҳисобот йиғилишларини белгиланган тартибда ўтказишлари лозимлигини маълум қилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт.

Умумий йиғилиш ўтказиш санасидан бир ой олдин умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида эълон, жамиятнинг йиллик якуний молиявий ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи матбуотда чоп эттирилиши зарур.

Умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида барча акциядорларга, шу жумладан агар жамиятнинг давлат улуши мавжуд бўлса, тегишли давлат органларига ҳам хабар берилиши керак.

Йиғилишлар ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар, унинг натижалари ва акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари ўз вақтида Марказнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимига тақдим этилиши лозим.

Аудиторлик текширувлари, умумий йиғилишларни ўз вақтида ва қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказмаслик ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни вақтли матбуотда чоп этмаслик ҳоллари учун энг кам иш ҳақининг 70 баробаридан 800 баробаригача иқтисодий жарималар қўлланиши алоҳида таъкидланади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-61-57, 144-62-57.

Шифокорлар ва беморлар диққатига!

"ДЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК"
компаниясининг аниқ диагностик усулларидан бири бўлган
"Sytec-2000"
Рентгенли компьютер томографи
Гулистон шаҳрида
"МАТЛЮБА"
пуллик клиникасида фаолият кўрсатяпти.

Бу ерда **ультратовуш, лаборатория диагностикаси** ва **юқори малакали шифокорлар** маслаҳати ҳамда **меҳмонхона хизмати** ташкил қилинган.

Гулистон ш. Мустақиллик кўчаси, 54.

Алоқа телефонлари:
Директор — 25-26-57,
Бухгалтерия — 25-26-58,
Регистратура — 25-26-62.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси республика прокуратурасининг масъул ходими Ф. Н. Мойиддиновга отаси
НУРИДДИН аканинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоалари «Ўзбеккино» ДАК бошқармаси бошлиғи, кинодраматург Фарҳод Мусажоновга волидаи муҳтарамаси
Баҳорат ая ИСЛОМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика телевидениесининг бўлим мудири Р. Мадатовга онаси
МАМЛАКАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси Андижон ўрмон хўжалиги бошлиғи Қобилжон Абдуллаевга онаси
Тўпахон ая ЮЛДОШЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви банк фахрийси С. А. Атабековага қизи
Лола МУХУМБАЕВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ банки Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси республика давлат тижорат Халқ банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари С. Х. Эргашевга отаси
Ҳусен ЭРГАШЕВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Физика-Қуёш» ИИЧБси жамоаси лаборатория мудири Г. Т. Одиловга падари бузруквори
Тешавой ота ОДИЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0984, 41579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.50* 123456